МАЛАКА ОШИРИШ ТАЪЛИМИДА ЎҚИТИШНИНГ НОАНЪАНАВИЙ УСЛУБЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

Б.А.КИРЙИГИТОВ, Ў.М.МУРОДОВ, Ш.А.ТОИРОВ, Б.Р.АЗИМОВ

Мақолада кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълимида ўқитишнинг самарадорлигини оширувчи ноанъанавий шакллардан бири – масофадан ўқитишнинг аҳамияти таҳлил қилинган.

***Калит сўзлар**: масофали таълим, таълим олиш муддатлари, курслар.*

В данной статье приводится анализ состояния и проблемы применения дистанционного обучения в системе повышения квалификации кадров.

***Ключевые слова**: дистанционное обучение, сроки обучения, курсы.*

This article presents the results of analysis of distant teaching problems in the system of retrain of teaching personnel.

***Keywords**: e-learning, time of eduacation, courses.*

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида малака ошириш таълимига катта эътибор қаратилган. Малака ошириш курсларида шу вақтгача қўлланиб келинаётган ўқитиш услублари маъруза, машқлар, лаборатория машғулотлари, экскурсиялардан иборат бўлиб, ҳар доим ҳам самарали бўлавермади. Ушбу курслардаги тингловчиларнинг фанлар бўйича билимлари, иш тажрибаси ва ёшлари турлича бўлиб, уларнинг билимларни идрок этиш ва касбга доир кўникмалари ҳам турличадир. Шунинг учун малака оширишда таълимнинг фаол услубларидан фойдаланиш долзарб масаладир.

Ҳозирги кунда таълим соҳасига, хусусан, малака ошириш жараёнига ахборот технологиялари жадал кириб келмоқда ва бу имкониятдан ўқитувчилар малака ошириш курсларида тўлиқ фойдаланиши зарурдир. Таълим жараёнига янгича ёндашувни қўллаш самарали бўлиши учун малака ошириш тизимида кенг кўламда ахборот технологияси, педагогика ва бошқа соҳалар ютуқларининг қўлланилиши, мутахассислар билан ўзаро фикр алмашинув кабилар орқали ушбу таълим шаклида кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Андижон вилоятининг бир қатор мактаб ва касб-ҳунар коллежларидаги ўқитувчилар орасида мониторинг ўтказилганда, янги ноанъанавий таълим услубларини ишлатиш яхши натижалар берди. Шунингдек, математика, физика, ахборот технологияси фанлари ўқитувчиларини шу тартибда анча тез

муддатларда билимларини ошириш, фан ва техника ютуқларидан хабардор қилиш имконияти пайдо бўлиши аниқланди.

Ҳозирда таълимнинг барча жабҳаларида яхши натижалар бераётган ноанъанавий шакллардан бири ахборот технологияси воситаларини қўллаган ҳолда масофадан ўқитиш тизимидан фойдаланишдир. Масофадан ўқитиш компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини қўллаш орқали амалга оширилади. Бунинг учун ўқув муассасаларида замонавий компьютерлар, зарур воситалар ва жиҳозлар ва техник қурилмаларни ишлатиш учун билимли мутахассислар талаб қилинади.

Республикамиз малака ошириш марказларида мавжуд компьютер технологиялари асосида келгусида масофадан ўқитишнинг қуйидаги турларидан фойдаланиш мумкин:

– интерактив телевидениега асосланган масофадан ўқитиш;

– компьютерли телекоммуникация тармоқларига асосланган масофадан ўқитиш;

– мультимедиа маълумотларидан фойдаланувчи интерактив тармоқларга асосланган масофадан ўқитиш.

Масофадан ўқитишдан фойдаланиш малака ошириш тизимининг самарадорлигини ошириш билан бирга анъанавий усуллар билан ҳал этиш қийин бўлган муаммоларни ҳам бартараф этиш имконини беради. Масалан, ўқитувчиларни таълим тизимидаги янгиликлар билан тезроқ таништириш каби муаммолар ўзининг енгил ечимини топади. Бундан ташқари ўқув юртлари ўқитувчиларини навбат билан эмас, балки тўлиқ малака ошириш курсларига жалб этиш имконияти пайдо бўлади. Агарда масофадан ўқитиш тизими тўлиқ жорий этилса, ўқишга чақириш орасидаги муддатни ҳам қисқартириш мумкин бўлади, яъни малака ошириш ҳар бир ўқитувчи учун 5-6 йилда эмас, балки анча тез амалга ошириларди.

Масофадан ўқитишни самарали ташкил этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

– ўқув маълумотларини ўқув юртларига ўз вақтида етказиш;

– ўқув юртлари билан тезкор тескари алоқани йўлга қўйиш;

– ўқув юртлари билан масофадан туриб жамоа бўлиб ишлаш имкониятларини яратиш.

Малака оширишни масофадан амалга оширишнинг яна бир қулай томони мавжуд. Кўп ҳолларда раҳбар кадрларнинг, аксарият ўқитувчиларнинг ишлаш графиги жуда тиғиз бўлади. Шу сабабли ўз малакаларини ошириш учун ҳар доим ҳам вақт топа олмайдилар. Бундай тоифадаги ўқитувчилар учун малака оширишнинг яна бир турини – «Имтиёзли курслар»ни ташкиллаштириш мумкин. «Имтиёзли курслар» шахсий режа асосида ишни ташкил этишдир, яъни тингловчилар шахсий режа асосида ўз малакаларини мустақил тарзда оширадилар, курсдан кейинги даврда мустақил ишлашлари учун маслаҳат оладилар.

Малака ошириш тизимига компьютер технологияларига асосланган масофадан ўқитишни жорий этиш Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида кўрсатилган талабларнинг бажарилишини тезлаштиради ва билимли мутахассислар тайёрлашга замин яратади. Бундай курсларнинг самарадорлигини оширишда машғулотларнинг ностандарт усулларидан фойдаланиш ҳам ижобий натижалар беради. Шундай усуллардан бири тингловчиларнинг билимларини диагностик таҳлил қилишдир. Бунда тингловчилар фаолияти ишлаб чиқилган маълум мезонлар асосида, яъни ўз фанини билиш даражаси, малака ошириш курси давомида тайёрлаган ижодий ишлари, курсдан ташқари тадбирларда иштироки ва курс охирида топширган чиқиш тести натижалари рейтинг асосида баҳоланади. Тингловчиларнинг кўрсатган натижалари асосида бир қатор таҳлиллар, жумладан курслар, фан компонеталари, курс давомида дарс ўтган маърузачилар фаолияти кесимида таҳлиллар тайёрланади. Олинган таҳлиллар йиғилишларда муҳокама қилиниб, тингловчилар ўзлаштириши паст кўрсаткич берган мавзулар асосида аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади. Таълим бериш самарадорлигини ошириш мақсадида тингловчиларга махсус жадвал-анкеталар тарқатилиб, уларнинг ташкил этилган курс ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ўрганилади ҳамда навбатдаги курсларни ташкил этишда эътиборга олинади.

Умумий ҳолатда, шуни айтиш жоизки, кадрларнинг малака оширишини масофадан амалга ошириш катта иқтисодий ресурсларни тежаш имконини яратади. Бошқа томондан, бундай шакл қўлланилиши замонга мос равишда маълумот бериш, муаммога янгича қараш ва тезкорлик билан ечимини топиш кўникмасини яратади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон, 2007.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ахборотномаси. – 2001.№3,4.
3. Хуторской А.В. Научно-практические предпосылки дистанционной педагогики// Открытое образование. – 2001. – № 2. – С.30-35.

Андижон давлат университети,
ТАТУ Самарқанд филиали,
Тошкент ахборот технологиялари университети
(Тақризчи: проф. Т.Ҳасанов)